



Мазкур тармок Келишувни (матнда бундан бүён “Келишув”, деб юритилади) “ЎЗБЕКОЗИҚОВҚАТХОЛДИНГ” холдинг компанияси билан Агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши¹ ўртасида тузилган бўлиб, тармокни ижтимоий-иктисодий ривожлантиришнинг асосий йўналишларини, меҳнат шартлари ва унга хак тўлашни, ходимларининг ижтимоий фаолиятини қўллаб-қувватлаш ва ижтимоий кафолатларни белгилаб берувчи норматив хужжатдир.

**“ЎЗБЕКОЗИҚОВҚАТХОЛДИНГ” холдинг компанияси ҳамда Ўзбекистон
Агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши ўртасида
2017-2019 йиллар учун тузилган
ТАРМОҚ КЕЛИШУВИ**

I. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1. «Иш берувчи» деб аталувчи “ЎЗБЕКОЗИҚОВҚАТХОЛДИНГ” холдинг компанияси ҳамда унинг худудий бўлимлари раҳбарлари ижтимоий ҳамкорликни ривожлантириш максадида Агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши ва туман, шахар кенгашларини ҳамда тизимдаги ташкилотларда сайлаб қўйилган касаба уюшма қўмиталарини ходимларнинг меҳнат шароитлари, иш хаки, уларнинг иш билан бандлиги ва ижтимоий кафолатлари борасида музокаралар олиб бориш, жамоа шартномаларини тузиш хуқукини ҳамда ходимларнинг ташкилотда ягона вакиллик органи сифатида тан олади.

2. Мазкур Келишувни амал килиш муддати тугаганидан сўнг янги Келишув тузишни январь ойидан, корхона, тапкилот, муассасаларда жамоа шартномаларини эса – март ойидан кечиктирмай тузиш мажбуриятларини олади. Шу вакт давомида унга қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш тарафларнинг келишувни асосида амалга оширилади.

3. Тармок Келишувни Ўзбекистон Республикасининг Мехнат кодекси, “Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида”ги, “Мехнатни муҳофаза килиш тўғрисида”ги, “Касаба уюшмалари, уларнинг хуқуклари ва фаолиятининг кафолатлари тўғрисида”ги Қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 09.07.2012 йилдаги 4451-сонли Фармони, 2002 йил 19 марта «Иш хаки ўз вактида тўланишига доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги 88-сонли карори, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши ва бошқа норматив-хуқукий хужжатлар асосида ишлаб чиқилган бўлиб, ундаги шартлар тизимда фаолият юритаётган барча ходимларнинг ижтимоий-иктисодий хуқуклари ва имтиёзларининг энг наст даражасини кафолатлади.

4. Иш берувчи Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши, Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси ўртасида ижтимоий-иктисодий масалаларга оид 2017-2019 йиллар учун имзоланган

¹ Бундан бўён “Компания” деб агадади

Бош келишув талабларидан келиб чикиб, қуидагиларни амалга оширишни ўз зиммасига олади:

- меҳнат қонунчилиги бузилишининг олдини олиш борасида касаба уюшмалари билан тизимли ҳамкорликни таъминлаш;
- ишонч телефонлари ва виртуал қабулхоналар тармоғини кенгайтириш орқали ижтимоий-мехнат масалалари юзасидан аҳоли билан қайта алоқа механизмини янада такомиллаштириш;
- тизимда Ҳалкаро меҳнат ташкилотининг асос солувчи конвенцияларига риоя этишга доир чоралари тизимини ҳар йили таҳлил килиб бориш;
- Ҳалкаро Мехнат Ташкилотининг қуидаги Конвенцияларига оғишмай риоя этилишини таъминлаш:
 - “Зўраки ёки мажбурий меҳнат тўғрисида”ги 29-сонли Конвенция;
 - “Тенг аҳамиятли меҳнат учун эркаклар ва хотин-қизларга тенг ҳак тўлаш тўғрисида”ги 100-сонли Конвенция;
 - “Оналикни муҳофаза килиш тўғрисида”ги 103-сонли Конвенция;
 - “Мажбурий меҳнатни тугатиш тўғрисида”ги 105-сонли Конвенция;
 - “Мехнат ва иш турлари соҳасида камситишлар тўғрисида”ги 111-сонли Конвенция;
 - “Ишга қабул килиш учун энг кичик ёш тўғрисида”ги 138-сонли Конвенция;
 - “Болалар меҳнатининг оғир шаклларини тақиқлаш ва йўқ қилишга доир шошилинч чоралар тўғрисида”ги 182-сонли Конвенция;
 - “Бирлашмалар эркинлиги ва касаба уюшмаларига бирлашиш хукуки тўғрисида”ги 87-сонли Конвенция.

5. Тарафлар касаба уюшмаси аъзоларидан йиғилган аъзолик бадалларини ходимнинг розилиги билан ташкилот бухгалтерия орқали пул ўтказиш йўли билан тегишли касаба уюшма қўмитаси хисоб-ракамига ўтказилишини максадга мувофик деб хисоблайдилар.

6. “Иш берувчи” тармок миёсида меҳнат меъёрларини ишлаб чиқиш учун шароит яратади ҳамда ходимларнинг манфаатларига тегишли меъёрий хужжатларни қабул килишда касаба уюшмалари билан келишади.

II. ИКТИСОДИЁТНИ, МАҲАЛЛИЙ ИШЛАБ ЧИҚАРИШНИ ҲАМДА ТАДБИРКОРЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШ

Жаҳон бозорида мамлакат иктисолиёти ракобатбардошлигини янада ошириш, иктисолиёт сектор ва тармокларини модернизация ва диверсификация килиш, экспорт салоҳиятини кенгайтириш, инвестицион фаолликни кучайтиришга каратилган чора-тадбирларни амалга оширишини давом эттириш мақсадида Тарафлар келгуси даврда қуидагиларни зарур деб хисоблайдилар:

7. Таркибий ўзгаришлар сиёсатини амалга ошириши, саноатни диверсификация килиш, ишлаб чиқаришни техник ва технологик жиҳатдан модернизация килиш, ахборот-коммуникация тизимларини кенг жорий этиш хисобига милий иктисолиёт ракобатбардошлигини оширишга доир ишларни ҳамкорликда амалга ошириш.

8. Инвестиция муҳитини, жумладан, корхоналар, аҳоли, хорижий инвесторлар инвестицияларини рагбатлантириши, ишлаб чиқариш ва инфратузилмани

модернизация килиш хамда ривожлантиришга маблағ сарфлаётган хўжалик субъектларини рағбатлантириши механизmlарини такомиллаштириш хисобидан янада яхшилашни таъминлайдиган аник мақсадли чора-тадбирларни ҳаётга татбиқ этиш.

9. Иктисодиётда хусусий мулк улушини ошириш, соглом ракобат мухитини шакллантириш, фаолиятнинг барча соҳаларида давлат иштирокини камайтириш бўйича ислоҳотларни янада чуқурлаштириш.

10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 5 октябрдаги «Тадбиркорлик фаолиятининг жадал ривожланишини таъминлашга, хусусий мулкни ҳар томонлама химоя қилишга ва ишбизлармонлик мухитини сифат жихатидан яхшилашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПФ-4848-сонли Фармонини бажариш бўйича келишилган чора-тадбирларни қабул килиш.

11. Аграр секторда таркибий ўзгаришларнинг сифат жихатидан янги боскичига ўтиш, шунингдек, фермерлик, дехкон ва шахсий ёрдамчи хўжаликларни ривожлантириш, етказиб берилган кишлек хўжалиги маҳсулотлари учун самарали ўзаро хисоб-китоб механизmlарини ишлаб чикиш ва бу маҳсулотларни саноат асосида қайта ишлаш кўламини кенгайтириш орқали мамлакат озиқ-овқат хавфсизлигини янада мустаҳкамлаш.

II. МЕҲНАТ ШАРТНОМАСИ, БАНДЛИК КАФОЛАТЛАРИ

12. Иш берувчи:

- ходимларни меҳнат шартномасига асосан иш билан таъминлайди, уларга хавфсиз меҳнат шароитини яратади;

- объектив сабабларга кўра (МКнинг 89-модда, 100-модда 2-кисм 1, 2 ва 6-бандлари, 106-модда 2-банди) меҳнат шартномасида белгилаб қўйилган меҳнат вазифасини давом эттириш мумкин бўлмаса, иш берувчи ходимга мутахассислиги ва малакасига мувофиқ келадиган ишни таклиф этади;

- ходим бошка ишга вактинча ўтказилиган вактда бажарган ишига караб, лекин илгариги лавозимидағи иш ҳакидан кам бўлмаган миқдорда иш ҳаки тўлайди;

- сайлаб қўйиладиган лавозимларга сайланганлиги туфайли ишдан озод қилинган ходимларга сайлов ваколатлари тугаганидан кейин аввалги лавозимини беради, бундай иш бўлмаса, аввалгисига teng лавозимни таклиф этади;

- ходимларни оммавий равишда ишдан озод этиш эҳтимоли тўғрисида ўз вактида, лекин камида икки ой олдин тегишли касаба уюшмаси органига ахборот тақдим этади ва ишдан озод этиш оқибатларини енгиллаштиришга каратилган маслаҳатли ишларни амалга оширади. Иш берувчи, шунингдек камида икки ой олдин ҳар бир ходимнинг касби, мутахассислиги, малакаси ва меҳнат ҳаки миқдорини кўрсатган холда, бўлажак ишдан озод қилиш тўғрисидаги маълумотларни Бандликка кўмаклашиш марказига ҳам маълум килади;

- Конунчиликда белгиланган тартибда ишга янги қабул қилинган ходимни касаба уюнма қўмитаси раиси (таниклигчиси) билан таништириш ва унинг сұхбатидан ўтказилишини таъминлайди.

13. Ижтимоий фаолиятга оид дастурлар амалга оширилаётганида иш жойини (ногиронлар, ёш болалик аёллар ва пенсия ёшига яқинлашиб қолган ходимлар иш жойини) мумкин қадар сақлаб колиш сиёсати юритилади.

14. Жамоа шартномасини тузиш пайтида ходимлар учун белгиланадиган ижтимоий кафолатларни ушбу Келишувда белгиланганидан кам бўлмаслиги таъминлайди.

15. Ходимларнинг меҳнат шартномасини касаба уюшмаси қўмитасининг олдиндан розилигини олмай туриб иш берувчининг ташабbusи билан бекор килишга йўл қўйилмайди (конун хужжатларига мувофик йўл қўйиладиган холат бундан мустасно). Башарти иш берувчи касаба уюшмаси қўмитасининг ходим билан меҳнат шартномасини бекор килишга розилик бериш тўғрисидаги карори кабул килинган кундан бошлаб бир ойдан кечиктирмай меҳнат шартномасини бекор килишга ҳаклидир. (МК.101-моддасининг 6-банди).

16. Меҳнат шартномасини иш берувчининг ташабbusига кўра бекор килишга розилик сўраб киритилган тақдимнома касаба уюшма қўмитасида Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши Раёсатининг 2016 йил 19 апрелдаги 2-11-сонли карори билан тасдиқланган “Касаба уюшмаси органида иш берувчининг тақдимномасини кўриб чикиш тартиби” асосида кўриб чикилади.

17. Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодекси, “Ахолини иш билан таъминлаш тўғрисида”ги Конуни, шунингдек ижтимоий химояга мухтоҷ шахсларни ишга жойлаштириш учун иш ўринларини банд килиб қўйиш тартиби, ногиронларни ижтимоий химоя қилиш, меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисидаги конун хужжатлари талабларига иш берувчи томонидан риоя этилади.

18. Иш берувчи олий, ўрта маҳсус таълим муассасалари битиравчилари, Куролли Кучлар сафидан муддатли ҳарбий хизматдан кайтган шахслар ва ижтимоий химояга мухтоҷ аҳоли катламларининг бошқа тоифаларини ишга жойлаштириш, ёш кадрларни ўз иш ўринларида қўнимлилигини таъминлашга ҳар томонлама қўмаклашишни ўз зиммасига олади.

III. ИШ ВАҚТИ ВА ДАМ ОЛИШ ВАҚТИ

19. Ходимлар учун иш вактининг муддати хафтасига 40 соатдан ортиқ бўлиши мумкин эмас.

20. Куйидаги тоифадаги ходимлар учун хафтасига 36 соатдан кўп бўлмаган иш вакти белгиланади:

- 16 ёшдан 18 ёшгacha бўлган ходимларга;
- I ва II гурух ногиронлари бўлган ходимларга.

21. Уч ёшга тўлмаган болалари бор аёлларга иш вактининг хафтасига ўттиз беш соатдан ошмайдиган кискартирилган муддати белгиланади.

22. Ўн икки ёшга тўлмаган икки ва ундан ортиқ боласи ёки ўн олти ёшга тўлмаган ногирон боласи бор аёлларга ҳар йили уч иш кунидан кам бўлмаган муддат билан ҳак тўланадиган қўшимча таътил берилади шунингдек, уларнинг хохишига кўра, ҳар йили ўн тўрт календарь кундан кам бўлмаган муддат билан иш ҳаки сакланмаган ҳолда таътил берилади. Бундай таътил йиллик таътилга қўшиб берилиши ёки иш берувчи билан келишиб белгиланадиган даврда ундан алоҳида (тўлик ёхуд кисмларга бўлиб) фойдаланилиши мумкин.

23. Иш вақтидан ташқари ишлашга ходимнинг розилиги билан йўл қўйилади. Бундай ишлар учун амалдаги меҳнат қонунчилигига мувофиқ камида икки ҳисса миқдорида ҳак тўланади. Унинг аниқ миқдори жамоа шартномаларида белгиланади.

24. Иш вақтининг ҳафтасига 36 соатдан ошмайдиган қисқартирилган муддати меҳнат жараёнида соғлиғига физикавий, кимёвий, биологик ва ишлаб чиқаришнинг бошқа заرارли омиллари таъсир этадиган ходимлар учун белгиланади.

Корхонадаги бундай ишларнинг рўйхати ва иш вақтининг аниқ муддати жамоа шартномаларида белгилаб қўйилади.

25. Меҳнат жамоалари ўзларининг жамоа шартномаларида қуидагиларни белгилаб қўяди:

- навбатчилик жадвалини тузиш пайтида амал қилинадиган (объектларга хизмат қўрсатишда) иш вақтини жамлаб ҳисобга олиш тизими;

Иш берувчи тизимидағи барча ходимларга, шу жумладан ўриндошлиқ асосида ишлаётган ходимларга, дам олиш ва меҳнат қобилиятини тиклаш учун иш жойи (лавозими) ва ўртacha иш ҳақи сақланган ҳолда йиллик меҳнат таътиллари беради. Асосий таътилнинг энг кам муддати 15 (ўн беш) иш кундан иборат.

26. Касблар ва лавозимлар бўйича асосий ва қўшимча таътилларнинг муддати, уларни бериш тартиби ва шартлари ва алоҳида хусусиятлари жамоа шартномаларида белгилаб қўйилади.

27. Ходимларга қуидаги ҳолларда ҳақ тўланадиган қўшимча таътил - дам олиш куни берилади:

- ўн икки ёшга тўлмаган икки ва ундан ортиқ боласи ёки ўн олти ёшга тўлмаган ногирон боласи бор аёлларга ҳар йили уч иш кунидан кам бўлмаган муддат билан;

- фарзанд туғилганида отага бир иш куни;

- оила қуриш муносабати билан уч иш куни;

- яқин қариндошларининг дафн маросимига уч иш куни.

Яқин қариндошлар деб: ходимнинг ота-онаси, aka-укаси, опа-синглиси, фарзанди ва унинг турмуш ўртоғи ҳамда турмуш ўртоғининг ота-онаси, aka-укаси, опа-синглиси ҳисобланадилар.

28. Ходимнинг аризасига биноан унга иш ҳақи сақланмаган ҳолда таътил берилиши мумкин, унинг муддати ходим билан иш берувчи ўртасидаги келишувга биноан белгиланади, лекин у ўн икки ойлик давр мобайнида жами уч ойдан ортиқ бўлмаслиги керак.

29. Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 150-моддасига мувофиқ қуидаги ходимларга уларнинг хоҳишига қўра, иш ҳақи сақланмаган ҳолда муқаррар тартибида таътил берилади:

- 1941 - 1945 йиллардаги уруш қатнашчиларига ва имтиёzlари жиҳатидан уларга тенглаштирилган шахсларга - ҳар йили ўн тўрт календарь кунга қадар;

- ишлаётган I ва II гурух ногиронларига - ҳар йили ўн тўрт календарь кунга қадар;

- икки ёшдан уч ёшгача бўлган болани парвариш қилаётган аёлларга (234-модда);

- ўн икки ёшга тўлмаган икки ва ундан ортиқ болани тарбиялаётган аёлларга ҳар йили ўн тўрт календарь кунга қадар (232-модда);

- бетоб оила аъзосини парваришаётган шахсларга ўн тўрт календарь кунга кадар:

- ишлаётган пенсионерларга ўн тўрт календарь кунга кадар.

30. Йиллик асосий таътилини олиш ҳуқукини берувчи иш стажига Мехнат кодексининг 142-моддасида кўрсатилган даврлар, шунингдек иш йили давомида иш ҳаки сақлаимаган холда бериладиган муддати бир ой бўлган таътил вакти ҳам йиллик асосий таътилини олиш ҳуқукини берадиган меҳнат стажига кўшилади.

31. Ходимнинг илтимосига кўра ходим билан Иш берувчи ўртасидаги келишувга биноан ишга кабул килиш чоғида ҳам, кейинчалик ҳам тўлиқсиз иш куни ёки тўлиқсиз иш хафтаси белгилаб қўйилиши мумкин. Тўлиқсиз иш вакти шарти билан ишлаш ходимнинг йиллик асосий меҳнат таътилининг муддатини, меҳнат стажини хисоблашни ҳамда бошқа меҳнат ҳуқукларини бирон бир тарзда чеклашга асос бўлмайди ва ишланган вактга мутаносиб равишда ҳак тўланади.

32. Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 144-моддасида кўрсатиб ўтилган ходимлар тоифаларидан ташкири куйидаги ходимларга меҳнат таътили уларнинг хоҳишига кўра иш берувчи томонидан касаба уюшмаси билан келишиб тасдиқланадиган жадвалга мувофик ёки иш берувчи билан келишилган холда улар учун қулагай бўлган бошқа вактда берилади:

- Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 1997 йил 20 мартағаги 153-сонли қарорига асосан ижтимоий аҳамиятга молик касаллик бўйича хисобда турган ходимларга:

- бетоб оила аъзосини парваришаётган ходимларга;

- Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 18 майдаги ПФ-3878-сонли Фармонига биноан тижорат банкларидан ипотека кредитини олган ёш оиласалар вакилларига:

- ишлаётган пенсионерларга.

IV. МЕҲНАТГА ҲАҚ ТЎЛАШ, КАФОЛАТЛИ ТЎЛОВЛАР ВА КОМПЕНСАЦИЯ ТАРЗИДАГИ ТЎЛОВЛАР

33. «Иш берувчи» ва унинг тизимида меҳнатга ҳак тўлаш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамаси томонидан тасдиқланган Ягона тариф сеткасига кўра амалга оширилади. Ягона тариф сеткаси бошлангич разряди сифатида биринчи разряд белгиланади ва амалдаги тариф коэффициентлари, шунингдек тариф ставкаларини энг кам иш ҳакидан келиб чиқкан холда белгилаш тартиби саклаб қолинади. Иш ҳакининг кафолатланган энг кам микдорига оғишмай риоя килиниши таъминланади.

34. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 2002 йил 19 мартағаги 88-сонли «Иш ҳаки ўз вактида тўланишига доир қўшимча чора-тадбирлар тўгрисида»ги қарорига асосан иш ҳаки тўловларни ўз вактида тўланиши юзасидан хар бир қуий тоашкилотларнинг раҳбарлари шахсан жавоб беради.

35.Ходимларнинг меҳнатига ҳак ҳар ярим ойда бир марта тўланади. Меҳнатга ҳак тўлаш муддатлари жамоа шартномасида белгиланади.

36. Ишдаги ютуқлар учун ходимга нисбатан рағбатлантириш чоралари қўлланилиши мумкин. Рағбатлантириш турлари, уларни қўлланиш тартиби, афзаллик ва имтиёзлар бериш жамоа шартномаларида белгилаб қўйилади. Ходимлар меҳнат соҳасида давлат ва жамият олдида алоҳида хизматлари учун давлат мукофотларига тақдим этилиши мумкин.

Иш ҳақи, мукофотлар, қўшимча тўловлар, устамалар ва меҳнат ҳақи тизимида назарда тутилган бошқа тўловлар рағбатлантириш турларига кирмайди. Интизомий жазо амал қилиб турган муддат мобайнида ходимга нисбатан рағбатлантириш чоралари қўлланилмайди.

37. Иш вақтидан ташқари ишлар, дам олиш ва байрам кунларида бажарилган ишлар учун камида икки хисса миқдорида ҳақ тўланади.

38. Ишлаб чиқариш жараёнида баҳтсиз ходиса туфайли ходимнинг соглигига заарар етганда (вафот этганда) ходимга (ходимнинг оила аъзосига) компенсация тўланади. Компенсациянинг миқдори жамоа шартномасида аниқ кўрсатиб қўйилади ва Меҳнат кодексининг 194-моддасида белгиланганидан кам бўлмаслиги лозим.

39. Ички молиявий имкониятдан келиб чиқсан холларда қуидаги моддий ёрдамлар кўрсатилади:

- биринчи маротаба оила қуриш вақтида;
- яқин қариндошларидан бири вафот этганда;
- уч хафтадан ортиқ вақт касал бўлганда;
- пенсияга чиқиш вақтида;
- аёлларга икки ёшгача бўлган болаларини даволаш учун.

Моддий ёрдамларнинг аниқ миқдори жамоа шартномасида белгилаб қўйилади.

40. Хизмат сафаридаги кунлик харажатлари иш берувчи томонидан “Ўзбекистон Республикаси худудида хизмат сафарлари тўғрисида Йўриқнома”да белгиланганидан кам бўлмаган миқдорда тўланади.

41. Иш берувчи томонидан вақтинчалик меҳнатга лаёқатсизлик бўйича нафақалар:

- иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларидан бўлган ходимларга, байналмилалчи жангчиларга ва уларга тенглаштирилган шахсларга, қарамогида 16 ёшга (ўқувчилар учун - 18 ёшга) тўлмаган уч нафар ва ундан кўп фарзанди бўлган ходимларга, Чернобил АЭСдаги авария оқибатларини тугатишда қатнашган ходимларга, Чернобил АЭСдаги авария натижасида радиоактив ифлосланиш зонасидан эвакуация қилинган ва кўчирилган қон ҳосил қилувчи органлар касалликлари (ўткир лейкоз), қалқонсимон без (аденома, рак) ва хавфли ўсмалар билан боғлиқ касалликларга чалинган ходимларга, ядро полигонларида ва бошқа радиация-ядро объектларида ҳарбий хизматни ўтаган пенсия ёшидаги ногирон ходимларга, шунингдек ходим ишда шикастланиш ва касб касалликлари оқибатида вақтинчалик меҳнат қобилиятини йўқотганда ойлик иш ҳақининг тўлиқ миқдорида;

- ижтимоий аҳамиятга эга касалликлар бўйича ҳисобда турувчи ходимларга, умумий иш стажига қараб ойлик иш ҳақининг 60 фоизидан 100 фоизигача миқдорда;

- колган холларда, умумий иш стажига караб ойлик иш ҳакининг 60 фоизидан 80 фоизигача миқдорда тўланади.

42. Ишлаётган аёлларга хомиладорлик ва туғини нафакалар бўйича тўловларни тўлаш кафолатланади.

43. Келишув амал қилиш даврида меҳнатга ҳак тўлашнинг ўрнатилган миқдорини камайтирилишига йўл қўйилмайди.

V. МЕҲНАТ ИНТИЗОМИ

44. Ходимлар меҳнат вазифаларини меҳнат шартномалари ва ички меҳнат тартиб коидаларига риоя килган холда бажарадилар.

45. Ишдаги ютуклари учун ходимлар Иш берувчининг "Ходимларни моддий рагбатлантириш тўғрисида"ги Низоми асосида ҳамда жамоа шартномаларида белгиланган тартибда рағбатлантирилади.

46. Меҳнат интизомини бузганлик учун (100-модда иккинчи қисмининг 3 ва 4-бандлари) меҳнат шартномасини иш берувчи томонидан бекор қилишга интизомий жазоларни кўлланиш учун белгиланган муддатлар (182-модда) ўтиб кетгандан кейин йўл қўйилмайди.

Интизомий жазо амал килиб турган муддат мобайнида (183-модда) ходимга нисбатан рағбатлантириш чоралари кўлланилмайди.

Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 180-модда З-қисмига асосан Рағбатлантириш турларига кирмайдиган мукофот тўловлари корхонанинг жамоа шартномасида келишиб олинади.

Интизомий жазо кўлланилишидан аввал ходимдан ёзма равишда тушунтириш хати талаб қилиниши лозим.

VI. МЕҲНАТ МУҲОФАЗАСИ

47. «Иш берувчи» Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 1996 йил 14 авгуstdаги "Меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича ишларни ташкил этиш тўғрисида"ги 273-сон билан рўйхатга олинган намунавий Низомга мувофиқ ишларни ташкил этади.

48. Ўзбекистон Республикасининг "Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида"ги конунининг 12-моддаси талабларига асосан, ходимларининг сони эллик киши ва ундан ортиқ бўлган ҳар бир ташкилотда меҳнатни муҳофаза қилиш талабларига риоя этилишини таъминлаш, уларнинг бажарилиши устидан назоратни амалга ошириш максадида меҳнатни муҳофаза қилиш хизматини ташкил этади ёки меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича тегишли тайёргарликка эга бўлган мутахассис лавозимини жорий этади.

49. Иш берувчи Ўзбекистон Республикасининг "Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида"ги конунининг 25-моддаси талабларига асосан ходимларга меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича йўл-йўриклар бериш ва уларни ўқитиш чораларини кўради.

50. Иш берувчи Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 12 ноябрдаги 245-сонли карори билан тасдиқланган "Корхоналар, ташкилотлар ва муассасаларда меҳнатни муҳофаза қилиш жамгармасини ташкил этиш ва унинг маблагларидан фойдаланиш тартиби тўғрисида Низом"га биноан меҳнатни муҳофаза қилиш фондипи ташкил қилиши ҳамда ундан ходимларнинг меҳнат шарт-

шароитларини яхшилаш ва муҳофаза қилишга йўналтирилган чора-тадбирларни молиялаштиришга сарфлаши мумкин.

51. Иш берувчи меҳнат муҳофазаси бўйича ўз мажбуриятларини бажариш максадида ушбу Келишув ва жамоа шартномалари асосида йиллик тадбирлар ишлаб чикиб, уларни амалга ошириш учун маблаг ажратади.

52. Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши Раёсатининг 2017 йил 4-апрелдаги 6-44 „с“ сонли қарори билан тасдиқланган „Меҳнатни муҳофаза қилиш тадбирларини режалаштириш бўйича тавсиялар“дан келиб чикиб, «Иш берувчи» тизимидағи ҳар бир бўлинмада жамоа шартномасининг меҳнат муҳофазаси бўйича битими тузилиши ва унинг молиялаштирилиши чораларини кўради.

53. Республика кенгаши билан ишлаб чиқаришда жароҳатланиш ва касб касалликларини олдини олиш бўйича кўшма чора-тадбирларни ишлаб чикиш хамда уларнинг бажарилишини таъминлайди хамда ҳамкорликда корхоналарда жамоа шартномаларидаги меҳнат муҳофазаси тадбирларини бажарилишини, содир бўлган баҳтсиз ҳодисаларни ўрганади ва улар юзасидан тегишли тавсияларни тайёрлади.

54. Ўзбекистон Республикасининг „Меҳнатни муҳофаза қилиш тўгрисида“ги Қонуннинг 31-моддаси талабларига асосан, ишлаб чиқариш объектларини ва ишлаб чиқариш воситаларини синаш хамда фойдаланишга қабул қилиш бўйича комиссиялар ишида мустақил эксперт сифатида иштирок этиш, тиббий-меҳнат эксперт комиссияси мажлисларида иштирок этиши учун Республика кенгашининг меҳнатни муҳофаза қилиш хизматини таклиф килади.

55. Иш берувчи Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 24 июндаги 177-сонли қарори билан тасдиқланган „Иш берувчининг фукаролик жавобгарлигини мажбурий сугурта қилиш Коидалари“нинг бажарилишини таъминлайди.

56. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 11 февралдаги „Ходимларга уларнинг меҳнат вазифаларини бажариш билан боғлиқ холда жароҳатланиши, касб касалликларига чалиниши ёки саломатликнинг бошқа хил шикастланиши туфайли етказилган заарни тўлаш тўгрисида“ги 60-сонли қарори билан тасдиқланган қоидаларга мувофиқ меҳнатда жабрланган ва бокувчисини йўқотган оиласаларга бир йўла ва ойма-ой тўланадиган нафакаларни тўланишини таъминлайди.

57. Ўзбекистон касаба уюнмалари Федерацияси Кенгаши Раёсатининг 2015 йил 23 июлдаги „Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси тизимида ишлаб чиқаришдаги баҳтсиз ҳодисалар ҳакида хабардор этиш ва маҳсус текшириш комиссияси ишида касаба уюнмалари вакиллигини белгилаш тўгрисида“ги 22-7-сон қарори билан тасдиқланган тартибларга мувофиқ ишларни ташкил этади.

58. Иш берувчи Ўзбекистон Республикаси Меҳнат Кодексининг 214-моддаси ва Соғликни сақлаш вазирининг 2012 йил 10 июлдаги „Ходимларни тиббий кўрикдан ўтказиши тартиби тўгрисида“ги 200-сонли буйруғи билан тасдиқланган Низом талабларига риоя килинган холда ходимларни дастлабки ва даврий тиббий кўрикдан ўтказади.

59. Меҳнат кодексининг 217-моддасига мувофиқ меҳнат шароити нокулай ишларда банд бўлган ходимларга белгиланган нормалари бўйича сут ва шунга тенглантирилган озик-овқат маҳсулотлари, даволаш профилактика озик-

овқатлари, махсус кийим бош, пойабзал ва бошқа шахсий химоя воситалари ва гигиена воситалари билан бенул таъминлайди (бундай қасб ва ишлар турлари рўйхати жамоа шартномасига илова қилинади).

60. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 15-сентябрдаги 263-сонли карори билан тасдиқланган “Иш ўринларини меҳнат шароитлари” ва асбоб-ускуналарнинг жароҳатлаш хавфлилиги юзасидан аттестациядан ўтказиши тартиби тўғрисида Низом”га асосан иш жойларини камидаги 5 йилда бир маротаба аттестациядан ўтказади.

61. Меҳнат муҳофазаси хоналари, хавфесизлик техникаси бурчакларини жиҳозлаш ҳамда ўқиш ўтказиши бўйича техника-воситаларини, ўкув ва қўргазма куролларини, плакатларни сотиб олиб беришни ташкил қиласди.

62. Касаба уюшмалари тизимнинг барча бўлинмаларида меҳнат муҳофазаси, шунингдек иш берувчиларнинг бу боралаги ўз мажбуриятларининг бажарилиши устидан назорат қиласди. Касаба уюшма ташкилотларининг меҳнат муҳофазаси борасида кабул килган карорлари иш берувчилар томонидан бажарилиши шарт.

63. Меҳнат муҳофазаси бўйича жамоат назоратини энг яхши ташкил этиш юзасидан республика кўрик танлови бўйича корхона, шунингдек бошлангич касаба уюшма қўмиталари ва меҳнатни муҳофаза килиш бўйича вакиллар ўртасида жамоат назоратини энг яхши ташкил этиш юзасидан республика танловини ўтказиши ва галибларни юқори касаба уюшма ташкилотларига тавсия этиш Ўзбекистон Агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси Республика Конғаши Раёсатининг 2015 йил 9 февралдаги “Меҳнат муҳофазаси бўйича жамоат назоратини энг яхши ташкил этиш юзасидан республика кўрик танлови ўтказиши тўғрисида” ги 18-1 “с” карори билан тасдиқланган Низомга мувофик амалга оширилади.

64. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига 1995 йил 18 декабрда 196-ракам билан рўйхатдан ўтказилган “Меҳнат муҳофазаси бўйича вакил ҳакида”ги Низомга мувофик, меҳнат муҳофазаси бўйича сайланган вакилларнинг ўқишини улар сайлангандан сўнг бир ой ичида касаба уюшма қўмитаси иштироқида ташкил қиласди.

65. Меҳнатни муҳофаза килиш бўйича вакил этилган шахсга ўз зиммасига юқлатилган вазифаларни бажариши учун ҳар хафтада камидаги икки соат иш вакти ажратилади ва бу вакт учун иш жойи (лавозими) бўйича ўртача ойлик иш ҳаки сакланади.

66. Иш берувчи молиявий имкониятидан келиб чишиб, ўз маблаглари ёки касаба уюшмаси маблаглари хисобидан ўз вазифаларини вижданан, фидойилик билан бажарган Меҳнатни муҳофаза килиш бўйича вакилни йил якунлари бўйича рагбатлантиришни ўз зиммасига олади.

67. Ишлаб чиқариш ва ижтимоий соҳа обьектларини хар йилнинг 1 октябрига кадар кузги-кишки мавсумга тайёрлаш чораларини кўради.

VII. ХОДИМЛАРНИНГ АЙРИМ ТОИФАЛАРИ УЧУН ҚЎШИМЧА КАФОЛАТЛАР ВА ИМТИЁЗЛАР

68. Меҳнатни муҳофаза килиш бўйича вакиллар, меҳнат низолари комиссияларининг аъзолари меҳнаткашлар вакиллари деб эътироф этилиб. Халкаро

Меҳнат Ташкилотининг 135-Конвенцияси муҳофазаси остига олинганлар, ўз фаолиятларини амалга ошириш учун ҳақ тўланадиган иш вақтидан фойдаланиш хуқуқига эга, шунингдек интизомий жазо чоралари қўлланишида ва иш берувчи ташаббуси билан ишдан бўшатилишида тегишли қўшимча кафолатлардан фойдаланади.

69. Иш берувчи ходимларни қайта ўқитиш ва малакасини оширишга кўмаклашади.

70. Таълим муассасаларида ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда ўқиб, ўкув режасини бажараётган ходимлар меҳнат тўғрисидаги қонунлар ва бошқа норматив ҳужжатларда белгиланган тартибда иш жойидан ҳақ тўланадиган қўшимча таътилга чиқиши, қисқартирилган иш ҳафтаси шароитида ишлаш ва бошқа имтиёзлар олиш хуқуқига эгадирлар.

71. Касаначилар, вақтинчалик, мавсумий ишлардаги ходимлар, шунингдек ходимларнинг ижтимоий почор тоифаларини ҳимоя қилишга алоҳида эътибор қаратилади.

VII. ИЖТИМОИЙ КАФОЛАТЛАР, ИЖТИМОИЙ ҲИМОЯ

72. Ходимларнинг маданий ҳордиқ чиқариши, жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланишига шароит яратилади.

73. Ишлаётган ходимлар ҳамда уларнинг оила аъзоларини ижтимоий ҳимоя қилиши, хавфсиз ва қулай меҳнат шароитлари яратиб бериш мақсадида Тарафлар ўз зиммаларига қўйидаги мажбуриятларни оладилар:

- ижтимоий йўналтирилган Давлат дастурларини амалга ошириш ишларида фаол иштирок этиш, кам таъминланган ва қўп болали оилаларни, ишлаётган оналарни ижтимоий муҳофaza қилиши ва қўллаб-қувватлашнинг қонун ҳужжатларида кўзда тутилган чораларини амалга оширилишини таъминлаб бориш;

- ёлғиз кексалар, пенсионерлар, ногиронлар, кам таъминланган ва қўп болали оилаларга моддий ёрдам кўрсатиш учун ҳар йили Наврӯз ва Мустақиллик байрамлари арафасида мақсадли умумхалқ ҳайрия ҳашарларини ўтказиш;

- қўп болали ва кам таъминланган оилалар вакилларига, уруш ва меҳнат фахрийларига иш берувчи маблағлари ҳисобидан моддий ёрдам кўрсатиб бориш;

- Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 28-декабрдаги “Кексалар ва ногиронларни давлат томонидан қўллаб қувватлаш тизимини янада такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-2705-сонли қарорини амалга оширишга хар томонлама кўмаклашиш.

VIII. АЁЛЛАР МЕҲНАТИНИ ТАРТИБГА СОЛИШ. АЁЛЛАР ВА ОИЛАВИЙ ВАЗИФАЛАРНИ БАЖАРИШ БИЛАН МАШФУЛ ШАХСЛАРГА БЕРИЛАДИГАН ҚЎШИМЧА ИМТИЁЗЛАР ВА КАФОЛАТЛАР

74. Тарафлар Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексида кўзда тутилган қўйидаги кафолатларга риоя этилишини ҳамда имтиёзлар берилишини таъминлаш мажбуриятини ўз зиммаларига оладилар:

- а) ҳомиладор аёллар учун (78, 84, 224, 237, 228, 229, 143, 231, 233-моддалари);
- б) икки ёшга тўлмаган боласи бор аёллар учун (143, 227, 234, 236-моддалари);

в) уч ёшга тўлмаган боласи бор аёллар учун (78, 84, 150, 224, 228, 234, 237-моддалари):

г) ўн икки ёнга тўлмаган икки ва ундан ортик боласи ёки ўн олти ёшга тўлмаган ногирон боласи бор аёллар учун (150, 232-моддалари):

д) ўн олти ёнга тўлмаган ногирон болани тарбиялаётган ота-онанинг бири (васий, хомий) учун (230-модда):

е) ўн тўрт ёшга тўлмаган боласи ёки ўн олти ёшга тўлмаган ногирон боласи бор аёллар учун (68, 144, 228, 229-моддалари):

ж) онасиз болаларни тарбиялаётган шахстар учун (235, 238-моддалари):

75. Иш берувчининг мажбурнятларин:

- иш ўринлари кискартирилаётган аёлларни меҳнат бозорида талаб бўлган касбларга ўқитишни таъминлаш;

- аёлларга малака ошириш ва қўшимча маълумот олиш хукуқидан фойдаланиш учун имкониятлар яратиб бериш;

- иш берувчининг ташаббуси билан меҳнат шартномаси бекор қилинаётган аёлларга, вактинчалик иш ўринлари яратиб бериши (корхонада юзага келаётган муаммоларни хал қилиш учун вактинчалик меҳнат жамоатарини ташкил этиш);

- корхонада меҳнати вактинчалик фойдаланилмайдиган аёллар учун касаначиликни ташкил этиш;

- ишлаб чикариш хажмининг камайганлиги сабабли иш ўринлари кискартириш ўрнига малакали аёл кадрлар билан таъминланган ишлаб чикариш бўлинмаларини тўликсиз иш вакти режимига ўтказиш;

- ташкилот реконструкциядан сўнг ишга тушганда унда ишга жойлаштириш учун кайта ўқитилган ва илгари мазкур корхонада меҳнат килган аёлларга афзалликлар бериш;

- тиббий хулосага мувофик хомиладор аёлларга енгилрок ёки нокулай ишлаб чикариш омиллари таъсиридан ҳоли бўлган иш ўринлари ажратиш;

- хомиладор аёлларни тиббий кўриқдан ўтишлари учун, уларнинг ўртacha иш хаки сакланган холда ишдан озод этиши, агар мазкур кўриқни ишдан ташкари вактда ўтказиш имконияти бўлмаса;

- қарамогида 2 ёндан 3 ёнгача бўлган болани парваришилаш таътилида бўлган аёлларга, ҳар ойда Ўзбекистон Республикасида ўрнатилган энг кам иш хакининг бир бараварида моддий ёрдам кўрсатиб бориш;

- уч ёшга тўлмаган болалари бор аёлларга 1 соатга кискартирилган иш куни белгилаш;

- аёллар учун шахсий гигиена хоналарини ташкил этиш, соғломлаштириш мажмуалари ва дам олиш хоналарини жорий этиш;

- ташкилот маблаглари хисобидан хомиладор аёлларни тиббиёт муассасаларида бепул даволаш.

76. Икки ёнгача фарзанди бўлган аёлларга, болани овқатлантириш учун ҳар уч соатда 30 дакикадан танаффус берилади, икки нафардан кўп 2 ёнгача фарзанди бўлган аёлларга эса, ҳар уч соатда 1 соатдан танаффус белгиланади. Болани овқатлантириш учун бериладиган танаффуслар иш соатига қўшилиб, ўртacha иш хаки тўланади. Ходиманинг хошишига кўра, болани овқатлантириш учун ажратилган

танаффуслар вакти дам олиш ва овқатланиш учун белгиланган танаффусга қўшиб берилиши ёки умумлаштирилиб, иш кунининг (смена) бошига ёки охирига ўтиши мумкин. (Халкаро Мехнат Ташкилотининг 103-конвенциясига ҳамда Ўзбекистон Республикаси Мехнат кодексининг 236-моддасига асосан).

77. Касаба уюнима қўмитаси аёллар меҳнат шароитларини яхшилашга қўмакланишни ўз зиммасига олади.

IX. ЁШЛАР УЧУН ҚЎШИМЧА ИМТИЁЗЛАР ВА КАФОЛАТЛАР

78. Ташкилот ишида ва ривожланишида ёш мутахассислар иштироки самарасини янада ошириш ҳамда ёшларни ижтимоий ҳимоя масаласи ечимини топиш максадида томонлар қуидагиларга келишиб олдилар:

- Халкаро меҳнат ташкилотининг 138, 182-сонли Конвенцияларига биноан ишга кабул килиш учун энг кичик ёшга риоя этиши ҳамда болалар меҳнатининг оғир шаклларини такиқлаш юзасидан аниқ максадга йўналтирилган иш олиб бориш;

- ёшлар билан ишлаш бўйича комплекс дастур ва уни амалга ошириш тадбирларини ишлаб чикиш;

- ёш оиласлар аъзолари бўлган ходимларга ҳар тарафлама ёрдам қўрсатиш.

79. Тарафлар Ўзбекистон Республикаси Мехнат кодексида кўзда тутилган қуидаги кафолатларга риоя этилишини ҳамда имтиёзлар берилишини таъминлаш мажбуриятини ўз зиммаларига оладилар:

а) ўн саккиз ёшга тўлмаган ходимлар учун (135, 143, 144, 202, 203, 214, 239, 240, 241, 242, 243, 244, 245, 246-моддалар);

б) ишни таълим билан бирга қўшиб олиб бораётган ходимлар учун (103, 143, 144, 249, 250, 254, 255, 256, 257-моддалар);

в) таълим муассасаларини битирган ходимлар учун (68, 103, 247¹-моддалар).

80. Иш берувчи мажбуриятлари (имкониятдан келиб чиккан холда):

- ташкилот учун керакли бўлган кадрларни тайёрлаб бориш учун, олий ўқув юртлари талабатарининг контракт пулининг бир кисмини тўлаб бериш;

- ёш ходимлар ва ёш оиласлар учун банклар томонидан бериладиган узок муддатли кредитларни олишда кафиллик килиш;

Куидаги холларда имтиёзли ссудалар корхонанинг молиявий холатидан келиб чиккан холла бериши мумкин:

а) ёш оила аъзолари бўлган ходимларга – мамлакатимизда ишлаб чиқарилган узок муддат фойдаланиладиган истеъмол молларини харид килиш ва уй-жой курилиши учун;

б) сафарбарлик захирасидаги харбий хизматга чакирилган ходимларга - пул маблагларини Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг маҳсус хисоб рақамига киритиш учун.

81. Касаба уюшма қўмитаси мажбуриятлари:

а) ёш ходимларнинг ижтимоий хукуqlари ва кафолатларини ҳимоя килиш ишларини янада мукаммалаштириш учун мавжуд хукукий-норматив базадан фойдаланиши:

б) ёш йигит-кизларни касаба уюшмалари фаолиятига жалб этиши ишларини олиб бориш, жамоат ишида фаоллик кўрсатганиларни молиявий имкониятлардан келиб чиқиб, мунтазам равишда тақдирлаш;

в) ўқувчи ва талабаларнинг ишлаб чиқариш амалиётига раҳбарлик қилишга юкори малакали ишчилар, раҳбарлар, мутахассисларни жалб қилишга кўмакланиш;

г) янғи ўнга қабул қилинган ёнилар, шу жумладан касб хунар коллажларининг битирувчиларининг ўз жойларида кўнимлилигини таъминланаш бўйича иш олиб бориш.

Х. МАДАНИЙ-МАЪРИФИЙ, ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ, СОҒЛОМЛАШТИРИШ, СПОРТ ИШЛАРИ

Маданий-маърифий ишларни яхшилаш учун тарафлар қуидагиларни ўз зиммасига оладилар:

82. “Маънавият ва маърифат” хонасини ташкил этиб, уни Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгashi ва Республика Маънавият тарғибот маркази тавсиялари асосида жиҳозлаб, Ўзбекистон Республикаси Президенти асарлари, Мустақиллик йилларида чои этилган замонавий адабиётлар хамда плакатлар, стендлар ва техник воситалар билан таъминланаш.

83. Давлат дастурларини бажариш борасида меҳнаткашлар ва ёнилар ўртасида таникли фан, адабиёт ва санъат арбоблари, адабиётшуносларни жалб этган холда, хар хил мавзудаги мазмунли ва кизикарли учрашувлар ташкил этиш.

84. Ўз тасарруфидаги кутубхоналар фаолиятини янада ривожлантириш, уларни саклаб туриш, моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, жорий ва капитал таъмирлаш ишларини ўтказиш, жиҳозларини янгилаш, кутубхона ва ахборот-ресурс марказларини янги адабиётлар билан тўлдириш, жамоат ташкилотлари ва жамгармаларни жалб қилган холда, миллий гоя ва маънавий-маърифий дунёкарашларини ўстириш борасида тадбирлар ўтказиш.

85. Ходимлар ва уларнинг оила аъзолари бўш вактларини сермазмун ўтказиб, республиканинг тарихий ёдгорликлар мавжуд бўлган қадимий шахарларига саёҳатлар уюштириш.

86. Умумхалқ байрамларини нишонлаш кунларида касб маҳорати ва бадиий хаваскорлик бўйича мусобака, танлов ва тадбирлар уюштириш.

Ходимлар ва уларнинг оила аъзолари ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғибот килині максадида, тарафлар қуидагиларни ўз зиммасига оладилар:

- жисмоний гарбия ва спорт билан шугулланиш учун шароитлар яратиб бериш;

- ходимлар ва уларнинг оила аъзоларини оммавий спортга, турли спорт секциялари, тўгаракларига жалб этиши;

87. Бугунги кунда амалга оширилаётган давлат сиёсатининг устувор йўналишлари, кенг кўламдаги ислохотлар моҳияти, қабул қилинган конун хужжатлари ва давлат дастурларининг ахамиятини меҳнаткашларга атрофлича тушунириш максадида хар ойда бир марта “Маънавият соатлари”ни ўтказиб бориш.

88. Ходимлар ва уларнинг оила аъзолари ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғибот килиш, соғломлаштириш, дам олдириш билан боғлик тадбирларни касаба уюшма қўмитасининг тавспяси асосида ўзаро ҳамкорликда ташкил этиш.

89. Ходимлар ва уларнинг оила аъзолари (ота-она, турмуш ўртоги ва фарзандлари)ни согломлантириш ҳамда дам олини учун йўлланмалар иш берувчи тизимидағи бошлангич касаба уюшма қўмиталари томонидан бериладиган буюртмалар асосида, улар томонидан тўланган ягона ижтимоий тўловлардан ва касаба уюшмалари аъзолик бадалларидан тушиган маблагларнинг согломлаштиришга йўналтирилған қисми микдорига мувофиқ равишда берилади.

90. Ходимлар ва уларнинг оила аъзоларини Ўзбекистон Республикаси санатория-курорт муассасаларида ва ёз мавсумида болаларни болалар согломлантириш оромгохларида согломлаштирилишини ташкил этишга каратилган тизимли чора-тадбирлар амалга оширилади.

91. «Иш берувчи» га карашли болалар согломлантириш оромгохлари мавжуд бўлса ёки янги ташкил этилса, ўз вақтида мавсумга тайёрлаш ишларини ташкил этиб, зарурий маблагларни ўtkазиб беради ҳамда болаларни овқатлантириш учун ижтимоий сугурга сметасида белгиланган месърга нисбатан, иш берувчи хисобидан кўшимча маблағ ажратиб боради.

XI. МЕХНАТ НИЗОЛАРИНИ ҲАЛ ЭТИШ

92. Келишувчи томонлар, ижтимоий шериклик принципларини тан олган ҳолда, юзага келган ҳар қандай низоларнинг олдини олиш чораларини қўришни ўз зиммасига оладилар. Баҳслашувлар ўзаро ишонч ва хурмат билан Ўзбекистон Республикаси конун хужжатлари асосида ҳал этилади.

93. Мехнат низолари комиссиялари фаолияти жамоа шартномалари орқали йўлга қўйилади.

XII. РЕСПУБЛИКА КЕНГАШИННИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ

94. Республика Кенгашининг мажбуриятлари куйидагилардан иборат:

- ходимларнинг ижтимоий-иктисодий, меҳнат ҳуқук ва манфаатларини ҳимоя килиши;
- иш берувчининг меҳнат конунчилигига риоя қилиши юзасидан назорат олиб бориши;
- меҳнат жамоаларида ижтимоий вазиятни осойишта бўлишига ёрдамлашиш, ҳуқукий масалалар бўйича маслаҳатлар бериш;
- ходимларнинг ҳуқук ва манфаатларига оид меъёрий хужжатлар тайёрлаш масаласини Иш берувчи билан биргаликда ҳал этиш;
- ходимларнинг иш шароитларини, уларга кўрсатиладиган маиший хизматни яхшилаш, уларни ва оила аъзоларини согломлантиришга оид масалаларни қўриб чикиш ҳамда шу борадаги масалаларни Иш берувчи билан биргаликда ҳал этишини таъминлаш;
- ходимларни ва уларнинг фарзандларини согломлаштириш масканларига ҳамда оромгохларга боришлиари учун йўлланма билан таъминлаш чорасини қўриш;

- Иш хаки ўз вактида тўланиши. энг кам иш хаки стандартларига риоя этилиши, энг кам меҳнат хаки Ягона тариф сеткасинининг биринчи разряди ставкасидан кам бўлмаслиги устидан жамоатчилик назоратини кучайтириш;

- Ўзбекистон Республикасининг Мехнат кодекси ва «Касаба уюшмалари, уларнинг ҳукуклари ва фаолиятининг кафолатлари тўгрисида»ги Конуни ижроси бўйича инг берувчи томонидан кандай тарзда риоя этилаётганлигини жамоатчилик назоратини олиб боради ва аникланган камчиликларни бартараф этилиши юзасидан тақдимнома киритади. Иш берувчи бундай конунбузарликни бартараф этиш тўгрисидаги тақдимномаларни кўриб чиқиб, бир ой муддат ичida унинг натижалари тўгрисида Республика Конгашига хабар бериш;

- касаба уюшмалари аникланган конунбузарликлар мансабдор шахслар томонидан бартараф этилмаган ҳолатларда, «Иш берувчи» билан ижтимоий шериклик ва мулоқот асосида ходимларнинг меҳнат ҳукукларини судгача химоя килиш чораларини кўриш;

- ходимларнинг меҳнат ҳукукларини химоя қилиб, даъво аризалари билан судга мурожаат килиш;

- касаба уюшма аъзоларининг мурожаатларини кўриб чиқади ва улар юзасидан конунларга мувофик тегишли хулоса бериш ҳамда касаба уюшма фаолларини касаба уюшмаси фаолиятининг асосий йўналишлари бўйича ўқитишларни ўз зиммасига олади.

XIII. КАСАБА УЮШМАСИ ОРГАНЛАРИНИ ВА УНИНГ ФАОЛЛАРИ ҲУҚУҚЛАРИНИ КАФОЛАТЛАШ

95. Касаба уюшмалари органлари таркибига сайланган ва ишлаб чиқаришдаги ишидан озод килинмаган шахслар билан тузилган меҳнат шартномасини иш берувчининг ташаббуси билан бекор килишга меҳнат шартномасини бекор килишнинг умумий тартибига риоя килишдан ташқари, улар аъзо бўлган касаба уюшмаси органининг розилиги олдиндан олинган тақдирдагина, ташкилотдаги касаба уюшмалари органларининг раислари ва аъзолари билан тузилган меҳнат шартномасини иш берувчининг ташаббуси билан бекор қилишга эса, юкоридагилардан ташқари факат тегишли касаба уюшмалари бирлашмасининг розилиги олинган тақдирдагина йўл кўйилади.

96. Иш берувчининг мажбуриятлари:

- Ўзбекистон конунлари ва унбу Келишувда белгиланган талабларнинг ижросини ўрганиш учун касаба уюшмаси вакилларининг касаба уюшма аъзолари ишлаётган ташкилотларга киришига тўсқинлик килмаслик;

- Иш берувчи конун хужжатлари бузилишларини бартараф этиш тўгрисидаги тақдимномаларни кўриб чиқиши ва кўриб чиқиши натижалари хакида касаба уюшмасига ўн бен кунлик муддат ичida хабар беради. (Ўзбекистон Республикаси «Касаба уюшмалари, уларнинг ҳуқуқлари ва фаолиятининг кафолатлари тўгрисида»ги Конунининг 11-моддаси).

- касаба уюшмаси органининг фаолияти учун конунчиликда белгиланган зарур шарт-шароитлар яратиш;

- бошлангич касаба уюшмаси кўмиталари раислари (тапкилотчилари) ёки кўмита аъзоларини тегишили ташкилотдаги коллегиал органлар аъзолигига киритиш.

97. Иш берувчи Касаба уюшмаларининг амалдаги конунларда ва ўз Уставида ҳамда ушбу Келишувда белгиланган вазифаларини бажаришлари учун шароит яратиб беради ҳамда кўмаклашади. Долзарб ижтимоий-иктисодий муаммоларни мухокама қилиш учун касаба уюшмаси ва Иш берувчи вакиллари билан давра сұхбатлари ташкил этгилади.

98. Касаба уюшмаларининг сайлаб қўйиладиган органлари аъзолари касаба уюшмалари томонидан чакириладиган қурултойларда, конференцияларда, ўкувлар ва бошка тадбирларда, шунингдек касаба уюшмаларининг пленумлари ва раёсатлари ишида иштирок этаётган вактда ўртача иш хаки сакланган ҳолда ишлаб чиқаришдаги асосий ишидан озод килинади.

99. Жамоатчилик асосида ишлайдиган касаба уюшма кўмитасининг раиси жамоатчилик ишларини олиб бораётганлиги учун иш берувчининг моддий имкониятидан келиб чиқсан ҳолда рағбатлантирилади.

100. Иш берувчи асосий ишидан озод килинмаган меҳнаткашлар вакилларининг юкори касаба уюшмаси ташкилотлари томонидан ташкил этилаётган ўкувлар, маданий-маърифий ва спорт йўналишидаги тадбирларда иштирок этишлари билан боғлик киска муддатли хизмат сафари харажатларини (бориш ва келиш, суткалик харажатлар, меҳмонхонада яшаш ва ҳ.к.) ўз хисобидан қоплаш мажбуриятини олади.

101. Халқаро меҳнат ташкилотининг "Бирлашмалар эркинлиги ва касаба уюшмаларига бирлашиш хукукини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги 87-сонли Конвенциясига мувофик Республика бошқаруви ва унинг худудий бўлинмаларида ходимлар вакилларининг эркин фаолият кўрсатиши учун зарур шароитларни яратиб беришга кўмаклашади.

XIV. КЕЛИШУВНИНГ АМАЛ ҚИЛИШИ, УНИ АМАЛГА ОШИРИШ МЕХАНИЗМИ ВА БАЖАРИЛИШИ УЧУН ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

102. Ушбу Келишувга асосан жамоа шартномалари тузилишини таъминлашни таъминлайди.

103. Томонлар ушбу Келишувга асосан ўз зиммаларига олган мажбуриятларнинг бажарилиши ҳакида йилда бир маротаба ахборот берадилар.

104. Томонлар мазкур Келишув ва жамоа шартномаларини бажариш якунларини меҳнат жамоалари умумий йигилиши (конференция)ларида тегишили йилнинг 1- апрелидан кечиктирмасдан кўриб чиқилишини таъминлайдилар.

105. Келишув шартларини бажарилиши бўйича жамоатчилик назоратини олиб бориш вактида тарафлар ўзларидаги бунинг учун зарур бўлган барча маълумотларни тақдим этадилар.

106. Келишувни тузиш, унинг бажарилишини назорат қилиш, шунингдек Келишувда белгиланган мажбуриятларни бажаришда юзага келган тушунмовчиликларни кўриб чиқиш учун икки томонлама комиссия тузилади.

Комиссиянинг рўйхати мазкур Келишувга илова килинади. Илова ушбу Келишувнинг ажралмас кисми бўлиб хисобланади.

107. Келишув талаблари бажарилмагани аниқланган тақдирда уни имзолаган тарафларга ёзма равишда маълумотлар тақдим этилади. Комиссиянинг тақдимномаси 7 кун ичидаги биргаликда мухокама этилиб, сўнгра тегишли қарор қабул килинади.

108. Келишув Агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгани ва «Иш берувчи» ўртасида имзоланганидан сўнг, Ўзбекистон Республикаси Мехнат вазирлигига билдириш рўйхатидан ўтказиш учун тақдим этилади.

109. Келишув уч нусхада тузилган бўлиб, Агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгани, «Иш берувчи» ҳамда Ўзбекистон Республикаси Мехнат вазирлигига бир нусхадан берилади.

Унинг шартлари томонларнинг ўзаро ёзма равишдаги розилигисиз бошка юридик ва жисмоний шахсларга берилмаслиги ёки бошка шаклда ошкор килинмаслиги лозим.

201__ йил “__” ____ да Тошкент шаҳрида тузилган

Ушбу келишувни имзолувчилар:

Ўзбекистон Агросаноат мажмуи
ходимлари касаба уюшмаси
Республика кенгани ранси в.в.б.
Г.Бозоров



“ЎЗБЕКОЗИҚОҚАТХОЛДИНГ”
холдинг компанияси раиси



О.Рустамов